




**ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ АМАЛДА:
ИШСИЗ АҲОЛИ БАНДЛИГИ
ТАЪМИНЛАНМОҚДА**



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 8 июнь кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Энди катта тизимга ўтйпмиз. Ерни ҳақиқий эгасига – халққа берамиз” дея таъкидланиб ўтган эдилар. Мазкур йиғилишда ғалладан бўшаган ер майдонлари эҳтиёжманд, реал даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз аҳолига деҳқончилик билан шуғулланиш учун ижарага бериш ташаббуси илгари сурилган эди.



Ушбу эзгу ташаббусга доирасида Қумқўрғон туманида ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида такрорий экин учун ер ажратиш ишлари қизиғин тарзда олиб борилмоқда.



Туманинг 1-сектор ҳудуди, “Азиза, Асал, Жасмина” фермер хўжалиги даласида бўлиб ўтган семинарда айтилган мақсадлар ўз амалий ифодасини топди. Семинарда туман ҳокими Р.Гаппаров бошчилигида сектор раҳбарлари, фермерлар, деҳқончилик билан шуғулланишни истовчи “Аёллар ва Ёшлар” дафтарига киритилган, ишсиз фуқаролар иштирок этди.

Мазкур фермер хўжалигининг 50 гектар ғалладан бўшаган ер майдонларидан “Аёллар ва ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар” да рўйхатга олинган, ишсиз ҳисобланган 112 нафар фуқарога 20 сотихдан ажратиб берилди.